

## ЎСМИР ҚИЗЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИКГА ТЙЁРЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИКГА ОИД АТАМАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАВСИФИ

**Дилноза Охунова**

*ФарДУ ўқитувчи*

*Орзигул Сотволдиева ФарДУ талаба*

**Аннотация.** *Ушбу мақолада ўсмир қизларни моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги тамойили асосида тадбиркорликга тайёрлашнинг аҳамияти ва соҳага оид атамалар мазмуни очиб берилган.*

**Калит сўзлар:** *маънавият, моддий бойлик, тадбиркорлик, тежамкорлик, ижтимоий борлиқ, иқтисодий саводхонлик, сарф-харажат, маънавий тарбия, тарбия мезонлари.*

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самарадорлигини таъминлаш, ёшларни бозор иқтисодиёти муносабатларида фаол иштирок этишга тайёрлаш давр олдида турган муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Мустақил республикамизни жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллаши, ривожланган давлатлар билан тенглик тамойили асосида ўзаро ҳамкорликка эришишида, ёшларнинг айниқса қизларнинг иқтисодий билимларни пухта эгаллашлари ҳамда тадбиркорлик фаолиятини самарали йўлга қўя олишлари муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва босқичма-босқич бозор ишлаб чиқаришига асосланган муносабатларни қарор топтириш Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилди. Шу билан бирга бозор муносабатининг маънавий-ахлоқий ғоялар ҳамда миллий қадриятларга асосланишига алоҳида эътибор қаратилди. Бинобарин, бозор ишлаб чиқаришининг ўзаро рақобатга айланиши - унинг маънавий-ахлоқий негизларини мустаҳкамлаш заруриятини кун тартибига олиб чиқади.

Биргина ишлаб чиқаришда бозор муносабатига асосланишнинг ўзи жамият иқтисодиётининг юқори даражада ривожланишини кафолатлай олмайди ва бу ўринда бир катор омилларнинг мавжудлиги талаб қилинади. Ана шундай омиллардан бири - бу жамият аъзоларининг ишлаб чиқаришга бўлган муносабатларни кескин ўзгартириш, уларни боқимандалик кайфиятидан ҳалос қилиш ва иқтисодий билимларни кенг тарғиб этиш орқали уларда иқтисодий маданиятни шакллантириш ҳисобланади.

Қизларнинг тадбиркорлик фаолияти кўникмаларига эга бўлишларида оила ва таълим муассасаларида ана шу йўналишда ташкил этилувчи фаолият ўзига хос ўрин тутуди. Шу сабабли оилада таълим муассасаларининг имкониятларидан самарали

фойдаланган ҳолда тадбиркорликни ташкил этиш ўсмир қизларда ишлаб чиқариш, меҳнат ва ижтимоий фаолиятга нисбатан ижобий, масъулиятли муносабатни қарор топтиришда долзарблик касб этади. Оилада ташкил этилувчи иқтисодий тарбия самарадорлигини ёшлар, хусусан, ўсмир қизлар томонидан тадбиркорлик сифатининг ўзлаштирилиши билан ҳам баҳолаш мумкин. Зеро, тадбиркорлик иқтисодий маданиятнинг муҳим таркибий унсуридир.

“Тадбиркорлик” тушунчаси ва уни ёшлар онгига сингдириш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ҳамда улар томонидан тадбиркорлик фаолиятининг самарали ташкил этилишига эришиш кўп босқичли ва мураккаб жараёндр. Бинобарин, тадбиркор сотиб фойда олиши мумкин бўлган, бозор талаб қилган маҳсулотни ишлаб чиқара олиши, хизмат турини танлай билиши, ўз маҳсулоти ёки хизматини таклиф этиши, шунингдек, уларни сота олиши лозим.

Тадбиркорлик ва у билан боғлиқ тушунчалар ҳақида манбаларда турлича ёндашувлар мавжуд. Хусусан: И.Фозилов ва бошқалар тадбиркорликка оид тушунчаларга қуйидагича изоҳ берадилар:

- даромад (yield): фоиз тариқасида олинган пулларнинг реал миқдори. Даромад фойда нормасига ва мураккаб фоиз қўшилишининг кам-кўплигига боғлиқ бўлади;

- иқтисод қилиш, тежаш (economize): мавжуд ресурслардан имкони борича кўпроқ нарса олишга интилиш;

- маҳсулот (product): бирон нарсага айрибошлаб олинадиган товар ёки хизмат;

- тадбиркор (entrepreneur): фойда олиш умидида иш бошлайдиган одам, ишни ташкил қиладиган, бошқарадиган, шунингдек, таваккал хатарларини зиммасига оладиган шахс;

- тадбиркорлик (entrepreneurship): товар ва хизматлар ишлаб чиқариш фойда беришиш учун кўпчилик фирмаларга зарур бўлган бошқарувчилик ва ташклотчилик фаолияти;

- талаб (demand): истеъмолчининг муайян жойда ва муайян вақтда товар ёки хизматни сотиб олиш истаги ва имконияти;

- таклиф (supply): савдогарлар харидорларга муайян жойда ва муайян бир вақтда бирон-бир нархда сотишга тайёр бўлган товарлар миқдори;

фойда (profit): ҳамма харажатлар чиқариб ташланганидан кейин қоладиган фирманинг ялпи даромади билан ялпи харажатлар ўртасидаги фарқ. Ҳ.Ҳамроев фикрича:

- бизнес - фойда олиш мақсадида амалга ошириладиган ҳар қандай иш, фаолият.

- тадбиркор - тадбиркорлик фаолияти билан доимий асосда шуғулланувчи жисмоний шахс.

тадбиркорлик - қўйилган ижтимоий ёки иқтисодий мақсадга эришиш учун қонунлар доирасида таваккал қилиб амалга ошириладиган ташаббускор фаолият.

- тадбиркорлик асослари - тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, амалга ошириш, ривожлантириш, қўллаб-қувватлашнинг назарий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, моддий, молиявий, инсоний, бошқариш, маркетинг, таҳлил асослари мажмуи.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида тадбиркорлик атамаси билан боғлиқ тушунчалар тавсифи қуйидагича келтирилган:

■ моддий бойлик, моддий неъмат - муайян инсоний эҳтиёжларни қондирадиган нарса, ҳодиса, меҳнат маҳсулотлари; миллий бойликнинг таркибий қисми. Табиатдаги табиий инъомлар (масалан, ер, ҳаво, иқлим ва бошқ.) ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (озиқ-овқат маҳсулотлари, биналар, иншоотлар, машиналар, асбоб-ускуналар ва бошқ.);

■ моддий ишлаб чиқариш - жамият ҳаёти ва тарққиёти учун зарур бўлган моддий неъматларни яратиш жараёни;

■ моддий манфаатдорлик - муайян жамият, қатламлар, гуруҳлар ва айрим кишиларни ўз иқтисодий ва меҳнат фаолиятлари юқори самарали бўлишидан манфаатдор этадиган ва фаолликка ундайдиган объектив-иқтисодий тамойиллар

Бозор иқтисодиётига хос бўлган хилма-хил мулкчилик, эркин соҳибкорлик ва кўп укладли хўжалик тизими, нарх белгилаш механизми, рақобат ва барча кишиларнинг, хўжалик субъектларининг ўз иқтисодий фаолиятлари ва меҳнатлари натижалари ҳамда шартномавий мажбуриятлари бўйича масъулиятларини, моддий манфаатдорликни ниҳоятда кучайтириш, ҳар бир шахс ўзининг иқтисодий фаолияти, меҳнат орқали ўз даромадлари ва мулкни кўпайтиришга интилади;

■ моддий рағбатлантириш - кишиларнинг ўз меҳнатлари натижаларидан манфаатдорлигини таъминлашга, меҳнатга фаол жалб этишга, иш ва маҳсулот сифатини оширишга қаратилган иқтисодий шакллар ва тадбирлар тизими;

■ моддий фаровоилик - жамият, айрим кишилар ва ижтимоий гуруҳларнинг моддий неъматлар билан таъминланганлиги; кишилар моддий эҳтиёжларини қондирилиши даражаси...Ҳар қандай жамиятда кишилар моддий фаровонликнинг моддий асоси шу мамлакатнинг миллий моддий бойлигидир.

Ҳ.Ҳамроев тадқиқотида булар қуйидагича ифодаланади:

■ тадбиркорлик стратегияси - тадбиркорлик фаолиятининг ҳаракат йўналиши, уни мужассамлашган режалаштириш сиёсати ва мақсадга эришиш қоидалари мажмуидир. Тадбиркорлик стратегияси тадбиркорлик фаолияти истиқболини белгилашда зарур тадбирларни аниқлаш, уларни бир тизимга солиш ва амалга ошириш имкониятини яратади;

■ тадбиркорлик миссияси - бу тадбиркорнинг интилиши, ҳаракатлари ва фаолияти тамойиллари, мезонлари меъёрлари, қоидалари, йўналишини белгилаб берувчи юсак ижтимоий- иқтисодий мақсадидир;

■ тадбиркорлик муҳити - бу тадбиркорлик шарт-шароитлари ва тадбиркорлик омиллари мажмуидир;

■ тадбиркорлик шарт-шароитлари - бу тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун табиатан мавжуд бўлган ҳамда жамият томонидан яратилган имкониятлар мажмуидир;

■ тадбиркорлик омиллари - бу тадбиркорлик фаолиятида бевосита иштирок этувчи ресурслар ҳамда унга бевосита таъсир кўрсатувчи кучлардир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. О.Ҳасанбоева, М.Артиқова, М.Мамажонов. Оилада ўсмирларни тадбиркорликка тайёрлашда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2011.

2. Oxunova, D. (2022). O ‘QUVCHILAR BILIMINI BAHOLASHGA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR. Academic research in educational sciences, 3(2), 870-876.

3. Kahhorjonovna, O. D. (2022). Approaches to Preparing Future Teachers for the Organization of Cognitive Processes in General Secondary Schools. Miasto Przyszłości, 29, 6-7.

4. Kahhorjonovna, O. D. (2022). Future Teachers' Specific Characteristics of Development of Cognitive Acceptance of Professional Knowledge. Miasto Przyszłości, 29, 1-2.

5. Охунова, Д. К., & Шоюсупова, О. А. (2016). ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ГАРМОНИЧНОГО ВОСПИТАНИЯ СТУДЕНТОВ. Ученый XXI века, (5-1), 45.

6. SUMMATIV, O. Q. B. F. V., & MEXANIZMLARI, B. DQ Oxunova–Farg’ona davlat universiteti o ‘qituvchi. FARG ‘ONA DAVLAT UNIVERSITETI, 423.

7. Охунова, Д. К., & Шоюсупова, О. А. (2016). PEDAGOGICAL BASES OF HARMONIOUS EDUCATION OF STUDENTS. Учёный XXI века, (5-1 (18)), 42-45.

8. Okhunova, D. K. (2022, October). APPROACHES TO EXPANDING THE POSSIBILITIES OF COGNITIVE ACCEPTANCE OF PROFESSIONAL KNOWLEDGE OF FUTURE TEACHERS. In INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS. (Vol. 1, No. 5, pp. 26-32).